



1 ОКТАБРЬ – "ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ" БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№37
(1471)
2023 YIL
28-SENTYABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/ozbekistondasogliqni saqlash

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

УСТОЗИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЮРТ!

"Сизларнинг ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини синдириши, уларни турли таҳдидлардан асраши, комил инсон этиб вояга етказиши йўлидаги беқиёс хизматларингизни барча ота-оналар, жамоатчилигимиз, бутун халқимиз яхши билади ва юксак қадрайди"

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентги



Дунёда шундай касб эгалари борки, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Ўқитувчилар эса ҳаётимиз чароғбонларидир. Ким бўлмайлик, қайси соҳада ишламайлик, барчамизга муаллимлар таълим ва тарбия беришган. Халқимизда "Устоз отангдек улуг", деган пурмаъно ҳикмат бор. Кимки бу ҳаётда бирор ютуққа эришса, касбидан эъзоз топса, унинг қалбида устозларига, биринчи ўқитувчисига бўлган хурмат абадий муҳрланади. Ҳаёт бор экан, ўқитувчилик касби ўзининг маъно-мазмун ва олижаноблигини, аҳамияти ва хурматини ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони имзоланади ва бу орқали улар меҳнати эътироф этилиб, хурмат-эҳтиром кўрсатилади. Хусусан, юртимизда тиббий таълим тўлиқ трансформация қилиниб, хорижий давлатларнинг нуфузли клиникалари филиаллари ва қўшма факультетларини очиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Айни пайтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги 11 та олий таълим муассасаси, 28 та тиббиёт коллежи, 47 та Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумлари ва қатор академик лицейларда бугун юзлаб педагог ходимлар меҳнат қилиб келмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт йўна-

лишида ҳам малакали кадрлар тайёрлаш алоҳида устуворлик касб этмоқда. Юртимиз шифохоналарини малакали ва замонавий билимларга эга шифокорлар билан тўлиқ таъминлаш масаласи тиббиёт ўқув юртиларида дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг билими, малакаси ва педагогик маҳорати билан узвий боғлиқдир. Аслини олганда бир тиббиёт ходимини тайёрлаш учун узоқ йиллар керак. Олий таълимдан кейинги профессионал фаолиятда ҳам юртимиз тиббиёт муассасаларида устоз-шогирдлик анъанаси яхши ривожланган. Инсонларга даво улашувчи ҳар бир оқ халат эгаси бугун умр ўкиб ўрганади, ўз устида ишлайди, изланади.

Тиббиёт тизимида таълимга берилган эътибор туфайли унинг ютуқлари бугун жаҳон ҳамжамиятида ҳам акс садо бермоқда. Кўплаб форум ва саммитларда ўзбек тиббиётининг дунё цивилизациясидаги ўрни ва нуфузи юксак қадрланмоқда. Жаҳон олимларини бир жойга жамлаб, уларнинг мулоқот майдонига айланмоқда. Албатта, бунда кадрлар тайёрлаш тизими ва уни ислоҳ қилиш билан боғлиқ жараёнлар алоҳида эътиборга молик.

Фурсатдан фойдаланиб, соғлиқни сақлаш тизимига ана шундай билимли ёшларни етказиб бераётган барча фидойи муаллимларни, устоз-мураббийларни касб байрамлари билан тахририятимиз номидан самимий қўллаб қўламитиз.

Намозжон ТОЛИПОВ,
журналист.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 78-СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ ДУНЁ НИГОҲИДА



АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятов бошчилигидаги бир гуруҳ тизим масъуллари ҳам иштирок этишди. Эътироф этиш жоизки, ушбу олий даражадаги мажлисда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Амрилло Иноятов маъруза қилди.

Кун тартибидан тиббиётга оид қатор глобал масалалар ҳам жой олган. Жумладан, жорий йил 20 сентябрда вазир "Пандемияларнинг олдини олиш, уларга тайёргарликни таъминлаш ва жавоб қайтариш" мавзусига бағишланган мажлисда маъруза қилди. Қайд этилганидек, пандемия бошланиши билан мамлакатимизда касалликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши кураш бўйича Президентнинг тегишли Фармон ва қарорлари, Хукумат даражасидаги қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Республика махсус комиссияси тузилди. Қисқа қилиб айтганда, мураккаб эпидемиологик вазиятда давлат ўз иродасини кўрсатди. Касалликни юктирган беморлар учун пойтахт яқинида ва вилоятларда карантин марказлари, махсус юкумли касалликлар шифохоналари, тақсимлаш муассасалари барпо этилди. Бу даврда Ўзбекистон аҳолисини озик-овқат, дори-дармон билан таъминлаш йўлга қўйилди. COVID-19 ни бепул диагностика қилиш тизими шакллантирилди. Юртимизда Ўзбекистон-Хитой қўшма ZF-UZ-VAC 2001 вакцинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. ЖССТ томонидан тавсия этилган бошқа эмлаш воситаларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Келгусидаги эҳтимолий пандемияларга тайёр туриш учун зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Халқаро ташкилотлар ва қўшни давлатлар билан ҳамкорликда бу йўналишда қатор қўшма лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Маъруза якунида пандемияларнинг олдини олиш, уларга тайёргарликни таъминлаш юзасидан ўз тақлифларини ҳам илгари сурди.

"Коронавирус инфекциясини тўлиқ назорат қилишни ўрганишимиз керак, – дейди вазиримиз. – Бу жараёнда эпидемияга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, COVID-19 га чалинган беморларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикасини мувофиқлаштириш, такрорий инфекциянинг олдини олишда иккиламчи иммунитетнинг аҳамиятини ўрганиш, пандемия тарқалишини эрта прогноз қилиш асосида карантин чораларини кучайтириш ёки юмшатиш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, мутацияга учраган штаммларга қарши узоқ муддатли химояни таъминлаш, беморлар ва соғайганларни эмлаш муддатлари, вакцинация билан боғлиқ хавфларни аниқлаш, янги авлод вакциналарини яратиш зарур. Бундан ташқари, фанга номаълум ва етарлича ўрганилмаган инфекциялар натижасида юзага келиши мумкин бўлган пандемиялар даврида махсус профилактика стратегияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш талаб этилади. Ўзбекистонлик олимлар бу йўналишда кенг ҳамкорликка тайёр. Бундан ташқари, вируслар ва хужайралар банкни яратиш, потенциал хавфли вирусларнинг табиий резервуарларини ўрганиш ва вирусологияда нанотиббиётни ривожлантириш каби масалалар кун тартибига қўйилиши керак."

Таъкидлаш муҳимки, йиғилишда коронавирусга қарши кураш борасида Ўзбекистон тажрибаси юқори баҳоланди.

@ssvuz

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ЭНДИ ТИББИЁТ ТАЛАБАЛАРИ РОБОТ-СИМУЛЯТОРЛАР ЁРДАМИДА ИНСОН ОМИЛИСИЗ ИМТИХОН ТОПШИРАДИ

Юртимиз тиббий олий таълимида талабаларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш, уларнинг малакали кадр бўлиб етишишларини таъминлашга қаратилган қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бўлажак шифокорлардан робот-симуляторлар имтиҳон олади.

– 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура босқичлари талабаларининг назарий ҳамда амалий билим-кўникмалари инсон омилсиз, махсус робот-симуляторлар орқали баҳоланади.

– Президентимизнинг “Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да тиббиёт олий таълим муассасалари ҳамда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари учун уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан симулятор ускуналарини харид қилиш вазифаси белгиланган эди. Муассасаларда ушбу ускуналарни ўрганиш ишлари олиб борилмоқда. Талабалар клиник имтиҳонлардан ўта олса, шифокор бўлиб ишлашига рухсат берилади.

2024/2025 ўқув йилидан барча давлат ва нодавлат тиббиёт олий таълим муассасаларида икки босқичли давлат имтиҳонларини ўтказиш тизими жорий этилади. **1-босқичда** талабалар фунда-

ментал фанлар бўйича якуний давлат имтиҳонларини топширса, **2-босқичда** клиник фанларни ўзлаштирганлик даражаси баҳоланади.

Дастлабки имтиҳонни муваффақиятли топширганларга курсдан курсга ўтишга, клиник билимларга оид синовларда яхши натижа кўрсатганларнинг эса амалиётда шифокор бўлиб ишлашига рухсат этилади. Ординатурага ва интернатурага кириш имтиҳонлари ҳам инсон омилсиз ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирининг тегишли буйруғи билан 2023/2024 ўқув йилида клиник ординатура ва интернатура йўналиши бўйича имтиҳонларни ташкил этиш мақсадида тест синовни топшириладиган фанлар мажмуаси, баҳолаш мезонлари ва уларни шакллантирувчи экспертлар гуруҳи тасдиқланди. Янгилик шуки, бу йилдан бошлаб клиник ординатура ва интернатурага кириш имтиҳонлари инсон омилсиз бутунлай ҳоли бўлади. Шу пайтгача суҳбат асосида ўтказиб келинган қабул жараёнларига чек қўйилади. Эндиликда тиббиёт олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тиббиёт ходимларининг



касбий малакасини ривожлантириш маркази, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий тадқиқот институтларида клиник ординатура ва интернатура мутахассисликлари бўйича кириш имтиҳонлари бир босқичли тест синовлари асосида Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан ўтказилади. Бунда ҳар бир талабгор учун БХМнинг ярим баравари миқдоридagi тўлов тегишли тиббий таълим муассасаси томонидан тўлаб берилиши белгиланган. Қабул жараёнлари йилига 2 марта ташкил этилиши ҳам номзодлар учун кўшимча имконият беради. Хусусий тиббиёт муассасалари

тор соҳа мутахассислари тайёрлашда иштирок этади.

Юқорида келтирилган “Йўл хатираси”га асосан етакчи хусусий клиникаларда клиник ординатура дастурлари асосида тор доирадаги мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, давлат тиббий олий таълим муассасаларининг хирургия, кардиология, стоматология ва терапия каби қатор кафедраларига ривожланган хусусий кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ўқув-клиник амалиёт базасини ташкил этишга рухсат берилади.

Хусусий тиббиёт муассасаларининг клиник ординатурага қабул жараёнлари ҳам давлат муассасаларида бўлганидек, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан бир босқичли тест шаклида йилига 2 марта амалга оширилади.

Ўқтам ИСМОЙЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги илм-фан ва таълим бошқармаси бошлиғи.

ХУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ - ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Бугунги кунда кўпга илтимой тармоқларда тиббиёт ходимларига нисбатан куч ва зўравонлик ишлатиш ва уларнинг фаолиятига аралаштириш ҳолатлари содир этилаётганлиги ёритиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш, уни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни, шошилч тиббий ёрдамни ва ихтисослаштирилган тиббий хизматлар тармоғини ўз ичига олувчи уч босқичли миллий тиббиёт модели яратилди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш таъминланмоқда. Бундан аҳоли ғоят мамнун эканлиги телевидение, магбуот ва ОАВ, интернет тармоқларидаги миннатдорчиликларида намоён бўлиб турибди.

Аммо баъзи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга беписанд

шахслар томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Беморларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимда шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини асоссиз равишда айблаш, ҳатто, ҳеч бир сабабсиз уларга тажовуз қилиш ҳоллари юз бермоқда.

Бирок, **Ўзбекистон** Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги кодексига хизмат вазифаларини бажараётган тиббиёт ходимларига нисбатан қонунга хилоф равишда турли шаклларда таъсир ўтказганлик, шунингдек тиббиёт ходимларининг тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри маъ-

мурий жавобгарлик белгиланмаган эди.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш, содир этган шахсларга нисбатан қонун доирасида тегишли чоралар кўриш мақсадида 2023 йил 27 март куни мамлакатимиз Президенти томонидан **Ўзбекистон** Республикасининг **Ўрқ 827-сонли Қонуни** имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган янги 1977-модда билан тўлдирилди.

Мазкур моддада тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилган ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига ноқонуний равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказилган тақдирда фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса



– етти бараваридан ўн бараваригача, яъни 2 миллион 310 минг сўмдан 3 миллион 300 минг сўмгача жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг касбий фаолиятига ноҳақ аралашувларнинг олди-

ни олишга, шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилади.

Абдурахмон САФАЕВ,
Наманган вилояти судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси.

НУҚТАИ НАЗАР

БОШ МИЯ НЕЙРОЭНДОСКОПИЯСИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТА...

Дунёда кўпчилик нейроэктопик трансфеноидал амалиётда асосан микрохирургик усуллардан фойдаланадилар. Бу, албатта, операцион микроскопдан фойдаланишни тақозо этади. Аммо микроскопик трансфеноидал хирургик усулни қўллашда иккита мураккабликка дуч келинади. Биринчиси, зарур бўлган барча шаклдаги тиббий асбобларни ишлатиш имкони бўлмай қолиши. Иккинчиси, узун ва тор хирургик коридор орқали операция майдонини кўришнинг қийинлиги.

Машхур жаррох Гарвей Кушинг 100 йил аввал таъкидлаган эди: “Нейрохирург операция майдонини тўла ва аниқ кўриши, жараён тўғридан-тўғри визуал назоратида бўлиши, эркин ҳаракатланиш имконияти унинг учун ҳаёт-мамот масаласидир”. Трансфеноидал хирургик усулни илк бор 1907 йилда Австрияда доктор Херман Шлоффер томонидан гипофиз беши ўсмасини олиш операциясида қўлланган. У калла асосига операцион коридор очиш мақсадида аввал бурун терисини кесган. Кейин ташки ринотомия, бурун тўсиғи, бурун чиғаноклари ҳамда иккала кўз орбитасининг ички деворларини олиб ташлаган. Х.Шлоффер бундай катта операцияни махсус тиббий жиҳозлар, етарли ёруғликсиз қандай қилганини бугун тасаввур қилиш қийин. 1910 йилда АҚШда Гарвей Кушинг трансфеноидал хирургияда, биринчилардан бўлиб, кам трав-

матик «Сублабиал усул»ини 231 нафар бемор операциясида қўллади. Операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 5,6 фоизни ташкил этган бўлса-да, бу усулдан ўзи қоникмаган ва гипофиз ўсмаларида субфронтал операция ўтказиш усулини танлаган.

1963 йилда парижлик Жерард Жует биринчи бўлиб эндоскоп ёрдамида «Турк эгари» да жойлашган гипофиз беши ўсмасини олиш учун микрохирургик усулда операция ўтказган.

У эндоскоп билан бирга ташки нур берувчи кварцли ускунадан фойдаланган. Бу ускуна нурни бир йўналишда йиғиб бериб, операция майдонини яхши ёритган. Ж.Жуэт эндоскоп ҳақида биринчи бўлиб маълумот берганидан кейинги 20 йил ичида бу ускуна қўлланишига оид хабар тарқатилмаган.

1974-1981 йиллардагина Германияда Варнер Протт ва Фолк Оппель эндоскоп ёрдамида калла асоси патологияларида операция ўтказганлари



маълум. 1978 йилда япониялик Еаканори Фикушима умуртка нейрохирургиясини, катта цистернани, калла орқа чуқурчасини нейроэндоскоп ёрдамида тасвираб берган. 1993 йилда Германиянинг Виесбаден шаҳрида “Мининвазив ва эндоскопик хирургия” бўйича биринчи халқаро конгресс бўлиб ўтди. Унда Австриянинг Вена шаҳридан Андре Гротениус, Энгелберг Кнопс, Япониянинг Осака шаҳридан Мамору Танада ўз маърузаларида мининвазив нейрохирургия соҳасида нейроэндоскопик операцияларни амалга ошириш бўйича яратилган тажрибалар, изланиш истиқболларини ёритиб бердилар.

Ўзбекистонда нейроэндоскопик операциялар биринчи бўлиб Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида профессор Ғайрат Қориев бошчилигида

ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази нейрохирургия бўлимида тиббиёт фанлари доктори Равшан Файзуллаев томонидан амалга оширилган.

Ҳозирги кунда нейроэндоскопик операцияларни амалга ошириш дунё бўйича ривожланиб

бормоқда. РШТЭИМ Наманган филиалига ҳам 2018 йилда Япониянинг «Ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий соҳани ривжлантириш учун кичик грантлар» лойиҳаси ғолиблиги учун ажратилган 110 минг АҚШ доллари эвазига Германияда ишлаб чиқарилган «Нейроэндоскоп» апарати олиб келинди.

«Операциянинг ҳар бир босқичи жаррохнинг назоратида бўлиши керак».

Гарвей Кушинг.
1912 йил.

Айни пайтда филиал нейрохирурглари республика ва хориждаги тиббий марказларда малака оширишлари таъминланди. Ана шу аппарат ёрдамида гипофиз беши ўсмалари (микро ва макроаденомалар), калла асоси ўсмалари, краниофарингиомалар, мия қоринчаси ўсмалари ва мия қоринчасига қон қуйилишлар, мия қоринчалари гидроцефалиялари мининвазив операциялари жаҳон стандартлари асосида амалга оширилмоқда.

Сайдулло ШАРИФБОЕВ,
РШТЭИМ Наманган филиали
нейрохирург.

МИННАТДОРЧИЛИК

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА!

Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайдилар у ердаги кенг имкониятлар, етарли шароитлар ҳамда даво излаб борган беморлар учун малакали тиббиёт ходимларининг кўрсатаётган сифатли тиббий хизматларини кўриб мамнун бўлиб кетасан киши.

Авваломбор, дил изҳоримни Аюртбошимиз Шавкат Мирзиёев, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоасига йўллайман. Улар раҳбарлигидаги эзгу ишлардан шахсан мен жуда мамнунман. Шунингдек, бир неча йиллардан буён саломатлигимни тиклаш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси

кўп тармоқли клиникасининг айрим бўлимларида даво муолажаларини оламан. Яқинда мазкур клиниканинг неврология бўлимида даволандим. Менга ўз вақтида сифатли тиббий хизмат кўрсатган ушбу клиника бош шифокори Дилдора Рустамова, бош шифокор ўринбосарлари Абдулла Мелиевич, Озода Маъруповна, кардиолог Шухрат Раҳматуллаевич, невропато-

логлар Абдулазиз ва Шухрат Бокиевичларга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни изҳор қиламан.

Шунингдек, мазкур клиниканинг гастроэнтрология бўлими мудирлари Абдуҷамол Якубов, профессор Абдор Хамроев, тажрибали шифокор Абдуқодир Собиров, катта ҳамшира Дилноза Вахобова, бир-биридан чаққон ҳамширалар Муҳаббат Холмуродова, Зиёда Тўқлиева, Маъруфа Мухаммадиевалар ҳам саломатлигимни тиклашда ўзларининг беминнат хизматларини аяматдилар. Ушбу бўлимдаги тозалик ва озодалик, тинчлик, жамоа ходимларининг муомала маданияти ҳамда малакали

ёрдамларидан ниҳоятда хурсанд бўлдим.

Халқимиз саломатлиги йўлида ана шундай қалби пок, ўз касбининг мохир усталари бор экан, бу албатта, бизнинг бахтимиздир. Уларнинг элимиз соғлигини ҳимоя қилишдек масъулиятли, машаққатли ва шарафли ишларига ривожлар тилайман.

Вазира
МУҲАММАДИЕВА,
Тошкент шаҳри.

УСТОЗГА ЭХТИРОМ

Инсон умри нима билан гўзал ва безаклидир? У ўзининг жамики нодир ишларидан тортиб, яратган сиймосига гўзалликка бурканган бўлади. Ваҳоланки, вақт олий ҳакам экан, умр эса унинг сарҳисобчиси. Умрнинг ҳар бир они ганимат ва бебаҳодир. Бинобарин, биз учун ганимат бўлган инсонлар дунёси ниҳоятда бой, боғ-роғлари, гул-кўчатларга лиммо-лим мовий салтанат кўзгусига айланиб келган. Ана шундай силсилавор умр халқимиз орасида “Умр мазмуни”, деган шох сатрларда битилади. Унинг устидан беихтиёр сирли қаламлар, сирли рақамлар олис-олисдан сўйлагандай бўлиб кўринаверади...

“Инсон умри абадий эмас! Лекин у абадийликка интилади”, деган эди немис олими Рикхтер. Ҳақиқатда шундай, наботот дунёсининг ҳукмдори бўлмиш биз инсонлар ҳам гарчи ўзимиздан тожу тахт ва туганмас бойлик қолдира олмасакда, лекин яхши ном, келгуси авлод қалбида яхши калом қолдиришга ҳаракат қиламиз. Сизда, юқоридаги пурмаъно фикрлар кимга қарата айтилган экан дея ҳақли савол тугилиши мумкин? Бу каби эътирофли ташбеҳлар кўп йиллар давомида халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилган, айни кунда кексалик гаптини сураётган самимий ва камтарин инсон Йўлдош Каримовнинг умр мазмуни деб аталган ҳаёт ва фаолият йўллари бағишланади.

Йўлдош Каримов 1933 йилнинг 2 октябрь кунини Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келган. Санокли кунлардан сўнг мақоламиз қахрамони кутлуг 90 ёшни қарши оладилар. Шундай экан, қахрамонимизнинг умр мазмунига айланган шох сатрларни бугун сирли қаламлару, сирли рақамлар ила оқ қоғозга туширишга ва тарих зарварақларидан ўрин олишга жазм қилдик. Йўлдош Каримов 1957 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини битириб, 1960 йилгача Қашқадарё вилояти Бешкент туманида кишлоқ врачлик участка касалхонасида бош врач, туман касалхонасида болалар бўлими мудир, туман педиатри вазифаларида ишлаган. 1960-1963 йилларда Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманида 1-шаҳар бирлашган болалар касалхонасининг поликлиника бўлимида маҳалла педиатри, 1963-1972 йилларда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг болалар ва оналар сектори инспектори, сектор мудир, 1972-1977 йилларда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Роза Люксембург номи болалар касалхонасида бош врач, 1977-1988 йилларда Юнусобод тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудир, 1988-1994 йилларда 4 полиомиелит касалхонасида бош врач, 1994-1999 йилларда Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош врачининг ўсмирлар иши бўйича муовини, 1999-2000 йилларда Тошкент шаҳар мудофаа бўлими қошидаги тиббий чакирув комиссиясининг катта врач, 2000 йилдан 2013 йилгача Юнусобод тиббиёт бирлашмасида врач ус-

УМР МАЗМУНИ ШОХ САТРЛАРДА БИТИЛАДИ..



лубчи вазифасида ишлади. Ҳозирги кунда меҳнат фахрийси. Йўлдош Каримов оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси. Турмуш ўртоғи ҳозирда нафақада. Ўғли Муродилла Йўлдошевич Каримов ота касбига ҳавас қилиб, 1986 йилда Тошкент педиатрия институтини битириб, Тошкент вилоятининг Бекобод ва Тошкент туманларида врач-хирург-реаниматолог вазифаларида, 1991 йилда ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясининг тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган фан арбоби Шаҳоб Шамсиевич Ҳамроев клиникасига 1989 йилда клиник ординатурага, 1993 йилда аспирантурага қабул қилинди. 1997 йилда Шаҳоб Ҳамроев раҳбарлигида тиббиёт фанлари номзоди, 2005 йилда эса тиббиёт фанлари доктори илмий унвонига эга бўлди. 2006 йилдан Тошкент тиббиёт академияси ортопедия-травматология, ҳарбий-дала травматологияси кафедрасининг мудир вазифасида фаолият олиб борди. 2012 йилда профессор унвони берилди. Келинлари Зулфия

олий маълумотли, мутахассис. Катта қизи Нодирахон олий маълумотли. Ҳозирда маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар иши бўйича мутахассис, кенжа фарзанди Нарғизахон олий маълумотли, хусусий фирмада бош ҳисобчи. Таъкидлаш муҳимки, Йўлдош отага 2019 йил 26 ноябрдан 6 декабргача Аллоҳнинг инояти билан Умра амалини бажариш насиб айлади. Ҳозирда 8



шарафига муяссар бўлганман. Врачлик дипломини олгач, соғлиқни сақлаш вазирлигининг йўлланмаси билан Қашқадарё вилоятининг собиқ Бешкент туманига келдим.

Бу ерда мени туман тиббиёт санитария бирлашмасининг бош врачлари Ҳафиз Атауллаев Ҳабибуллаевич илиқ кутиб олиб, мени шу туманнинг Муғлон кишлоқ врачлик участка касалхонасига бош врач лавозимига тайинлади. Уч ой ўтгач марказий туман касалхонасининг болалар бўлими мудир, туман педиатри вазифаларига тайинлади (бу пайтда 75 000 аҳолиси бўлган туманда мен бир ўзим врач-педиатр эдим, пешингача пешингача амбулаторияда касал қабул қилсам, пешиндан кейин касалларни кўрардим). Уч йил ишлагач, она шаҳримга қайтиш тўғрисида рухсат сўраганимда Ҳафиз Ҳабибуллаевич амалдаги қонунларга мувофиқ бу ишни республика вазири ҳал этишини тушунтирди. Ота-онамининг кексалиги ва касаллигини айтганимда ўзининг буйруғи билан мени ишдан бўшатган. Бир йил ўтгач Ҳафиз Атауллаевни вазирни буйруғи билан Тошкент шаҳрининг Миробод туман соғлиқни сақлаш бўлимига мудир вазифасига ўтказди. Ҳамон эсимда. Кўп ўтмай устозим манзилимни топиб уйимга келиб уйланганим билан табриклар кетган. Бир йил ўтгач, маҳалла педиатри бўлиб ишлаб юрганымда Ҳафиз Атауллаев мени ишхонамга келиб, ўзи билан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи хузурига олиб борди. Бошлиқ Ҳалил Абдуллаевич Жалилов қабулида сизни Ҳафиз Атауллаев тавсияси билан идорамизнинг болалар ва оналар бўлимига инспектор вазифасига олмақчимиз. Бўлимда шу пайтгача ўзбек кадр ишлаган бошлиқнинг рус аёли билан тил топишиб кетарсиз – деб масалага нукта қўйди. Бир ҳафта ўтгач тўсатдан мени чақириб Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлаётган коллегия мажлисига олиб келишди. Шу ерда коллегия қарори билан мен ишга қабул қилиндим. Ҳалил Жалилов раҳбарлигида уч йил

нафар набира, 7 нафар эваранинг севимли дуоғўйи бобосидир.

Эътирофлиси шундаки, Йўлдош ота Каримов бир неча бор тахририятимизда бўлганларида улар билан дилдан суҳбатлашдик. Ниҳоятда самимий ва камтарин инсон суҳбатларини орасида куйидаги фикрларни билдириб ўтдилар.

– Меҳнат фаолиятим давомида инсофли, диёнатли ўз ишининг билимдони, ходимларига меҳрибон ҳақиқий устозлар раҳбарлигида ишлаш



ишладим, улар ниҳоятда қатъиятли, бир сўзлик ўз ишининг билимдони, масалани ҳал қилишда тўғри асосли қарор чиқарадиган, ҳақиқатни ким бўлишидан қатъий назар юзига айтадиган қаттиққўл раҳбар эдилар. Ҳалил Жалиловнинг ҳақиқий ташкилотчилиги 1966 йил апрель ойида Тошкентда содир бўлган зилзила оқибатларини тугатишда ўз исботини топди. Бузилган касалхона, поликлиникалар ўрнини тиклаш, таъмир талабларини тезда ишга тушириш, аҳолига поликлиника стационар, тез ёрдам хизматларини узлуксиз ташкил этишда ҳақиқий ташкилотчи эканлигини кўрсата олди. Туну-тун тиним билмай ёрдамчиларига ҳам тиним бермай халқ ғами билан яшади. Замоннинг маъмурбозлик тўсиқлари Ҳалил Жалиловдек жасоратли ташкилотчи, бўлаётган сусткашликни юкори ташкилотларга дангал айтиши ёқмасди чоғи, 4 йил ишлаб ер қимирлаш оқибатларини тугатиш ишлари авжига чиққанида ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшатилди. Ҳалил Жалилов шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимни бошқарган йиллари унинг атрофида коллегия аъзолари машҳур олимлар профессор Шабот Хўжаевдек забардаст олим XX асрнинг олтинчи йилларида шаҳар даволаш муассасаларининг етук-номдор раҳбарлари Шокир Олимов, Аҳмад Қосимов, Муяссар Эшонхўжаева, Олия Султоновалардек забардаст ташкилотчилар Ҳалил Жалилов билан ҳамфикр сафдошлар, коллегия мажлисларига қўйилган масалаларни биргаликда ечишиб, Ҳалил Жалиловга амалий ёрдам берар эдилар. Ҳалил Жалилов ўша даврнинг тиббиёт соҳасидаги буюк дарғаларидан бири ҳисо-

бланган. Биринчи устозим Ҳамид Атауллаев бўлса, иккинчи устозим Ҳалил Жалилов эди. Иш фаолиятимда ўша икки устозларимдан олган дарсларим менга дастуриамал бўлган десам муболаға бўлмайди. 1972 йилда мени собиқ Роза Люксембург номидаги болалар касалхонасига раҳбар этиб юборишди. Касалхона 1976 йилда бузилиши муносабати билан шаҳар раҳбарияти мени Юнусобод туманига қарашли 4-болалар полиомиелит касалхонасига бош врач лавозимига тайинлаш учун давр тартиб қодаларига мувофиқ туман раҳбариятининг розилигини олиш учун раҳбар Т. Шарофхўжаев ҳузурига юборишди. У киши мен билан суҳбат чоғида “Сиз у ерга бормайсиз, ўзимизда туман соғлиқни сақлаш бўлимни бошқарасиз, тажрибангиз катта экан, боринг шаҳар бошлиғингизга айтинг” –деб менга жавоб берди. Шаҳар раҳбариятига бу хабарни етказганимда, у ердагилар хурсанд бўлишди. Улар бу таклифга тезда рози бўлишимни айтишди. Сабаби бу ўрин 7 ой мобайнида бўш турган экан. Тавсия қилинган мутахассислар суҳбатдан ўта олмаган экан. Эртасига туман раҳбарининг қабулида бўлдим. Хужжатларим билан танишгач саволга ўтди. Оилам тўғрисида тўлиқ маълумот олди. Бу суҳбатдан сўнг юкорида фаолият олиб бораётган раҳбарият томонидан ҳам суҳбатдан ўтишим керак экан. Лекин, жараён бир ярим ойга чўзилди. Уйимда телефон йўқлиги сабабли юкоридан кўнғи-

рок кутиб, ҳар куни шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига бориб, собиқ ҳамкасбларим билан суҳбатлашиб, газета ўқиб вақт ўтказардим. Рўзғорда узилишлар рўй бера бошлади. Бу ҳолдан хабар топган Аслон дўстим, акам ва Хайри оймлар молиявий ёрдам бериб туришди. Маблағ камлигидан, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими яъни ҳозирги Амир Темури хиёбонидан уйгача пиёда келардим. Кунлардан бирида бекорчиликдан йўл-йўлакай телевидение маркази ёнига бориб, келиб кетаётган актёрларни кузатиб турсам бир йигит ёнимга келиб “ока ашулачимисиз кўрикка келдингизми?” деб қолди, шу пайт газетада ўқиганим сатирик эълон эсимга келиб, –ҳа!, эълон қилинганидек янги ташкил этилган хор жамоасига “хе-хе” нақорати бўлимига солист бўлиб кирмоқчиман” – десам, бунақа жамоа бизда йўқ деб қайрилиб кетди. Иккинчи ойда раҳбариятнинг суҳбатидан ўтиб фаолият юритишимга розилик беришди. Ўн бир йил давомида Юнусобод туман соғлиқни сақлаш бўлими мудир лавозимида ишладим. 1988 йилда 4-полиомиелит касалхонаси бош врач истеъфога чиққани, мени эса нафақага чиқишим яқинлашганлиги сабабли, ариза билан шу касалхонага ўтказилдим. Фаолиятим давомида ушбу шифохонада кўплаб ижобий ишларни амалга оширдим. Мазкур даволаш масканида вилоятлардан полиомиелит касаллигига чалинган болажонлар узок вақт даволани-

**75 000
аҳолиси бўлган
туманда мен бир
ўзим врач-педиатр
эдим, тушликгача амбу-
латорияда касал қабул
қилсам, тушликдан
кейин касалларни
кўрардим.**

шар эди. Даво муолажалари билан бирга даволанувчилар учун турли хилдаги байрам тадбирлари олиб бориларди. Режамизга мувофиқ болажонларни хатна тўйларини ўтказганимиздан олти ой ўтгач, тўсатдан шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи мен иш билан чиқиб кетганимда келиб, касалхонани айланиб, қўл остимдаги ходимларга бош врачларинг ишдан кетсин деб дағдаға қилибди. Ўша куниёқ мен бошлиққа учрашдим ва раҳбарият мени тезлик билан меҳнат таътилига чиқариб юборишди. Мени ўрнимга вақтинча 31-оилавий полиликаниннг бош врачини тайинлашди. Таътилдалигимда аризасини берсин деган хабарни етказишди. Таътил тугагач, шароитга қараб бўшадим, мени туман тиббиёт бирлашмаси бош врачининг муовини вазифасига ўтказишди. Шу воқеалардан ярим йил ҳам ўтмай ҳеч кимга сўзини бермай юрган шаҳар соғлиқни сақлаш бошқарма бошлиғи ишдан бўшатилди. Ҳозир сиз билан суҳбатлашиб, айрим ноҳақликларни тилга олганлигимни сабаби, дилимни

оғритган инсонларни кўриб, қуйидаги фикрларим билан сўзларимни мухтасар қилмоқчиман. Ҳаёт чархпалаги сувни тепага олиб чиқади ва аста-секин пасайиб бир қисми юмшоқ сув бағрига шўнгиса, шошилган бир қисми чархпалакнинг ўнг темир ўқига урилиб бошини ёради, бир бўлаги анҳорнинг четидеги катта тошга урилиб парча-парча бўлиб кетади. Лекин одамлар буни ўйламайдилар...

Ҳа, мақоламиз қахрамони Йўлдош ота Каримов билан суҳбатимиз узок давом этди. Суҳбат чоғида яна бир нарсага амин бўлдимки, Йўлдош ота Каримовда ижодкорлик истеъдоди ва инсонийликка хос эзгу фазилатлари бисёр эканлиги диққатимни ўзига тортди. Бунинг исботи сифатида айтишим жозик, ҳам шифокор ҳам ижодкор 2014-2020 йиллар давомида 19-21 асрда яшаган ва яшаётган тўрт ярим мингга яқин авлодлар исмларини тиклаб, авлодлар шажарасини тузди. Шунингдек, домланинг 2014 йилда (Я. Ҳакимова билан ҳаммуаллифликда) Юнусобод туманида тиббиёти тарихи номли китоби босмадан чиқди.

Хулоса ўрнида айтишим жозик, юртимиз тиббиётида ўзининг кўп йиллик фидойи меҳнатлари билан обрў қозонган ва эл назарига тушган самимий ва камтарин инсон Йўлдош Каримовнинг умр мазмунидаги шохсатрлари тарих зарварақларида бир умр мухрланиб авлодлар шажараси ва кўнглига яқин инсонлари қалбида сақланиб, ибрат мактабини ўташи ҳар биримиз учун фахрдир. Фурсатдан фойдаланиб, Йўлдош ота Каримовни қутлуг 90 ёшлари билан муборакбод этамиз. Муштақкам соғлиқ оилавий хотиржамлик ҳамроҳлари бўлишини истаб қоламиз.

**Суҳбатни журналист
Ибодат СОАТОВА
ёзиб олди.**

КОНФЕРЕНЦИЯ

ПЯТАЯ МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ «НЕЙРОТЕХНОЛОГИИ И НЕЙРОИНТЕРФЕЙСЫ»

Когнитивное долголетие. Ученые ищут пути сохранения умственного здоровья

Ведущие мировые и российские ученые обсудили новейшие исследования в области нейронауки, искусственного интеллекта и сложных систем на Балтийском форуме, который прошел 18–20 сентября в БФУ им. И. Канта. Почему нейронаука сегодня выходит на первый план научных исследований? Какие проекты реализует вуз в этой области? Об этом рассказал ведущий научный сотрудник Балтийского центра нейротехнологий и искусственного интеллекта БФУ, профессор кафедры неврологии ПСПбГМУ им. И.П. Павлова, главный внештатный специалист-невролог комитета по здравоохранению Санкт-Петербурга и Минздрава РФ по СЗФО Игорь Вознюк.

– Игорь Алексеевич, в чем, на ваш взгляд, смысл и значение Балтийского форума?

– Его формат уникален. Здесь традиционно встречаются глубокие фундаментальные научные знания в области биологии и медицины, реализованные в инструментарий, методы и технологии.

На мой взгляд врача и представителя медицинской науки, в кругу профессиональных научных сообществ медиков и биологов даже самые глубокие подходы к разрешению труднейших вопросов, связанных с описанием, оценкой, верификацией патологических процессов, с разработкой диагностического оборудования и ресурсов, с созданием лекарственных технологий, обречены превратиться в "секретную информацию" для внутреннего пользования. Рано или поздно это приводит к циклическому движению информации и становится тупиком в развитии.

Необходимы "раскрытый

контур", взаимное проникновение биологических знаний в медицину и "медицинская" постановка целей и задач биологам, специалистам в области информатики, кибернетики, изучения живых систем и IT-технологий. Только они способны существенно повлиять на развитие актуальной парадигмы здравоохранения и обеспечить его современность, доступность, качество и эффективность.

– Можно ли утверждать, что Калининград стал центром притяжения для исследователей в области искусственного интеллекта?

– Здесь есть все, что нужно для моделирования процессов и их внедрения, – университетская среда с ярким молодым креативным мышлением и не менее харизматичными руководителями медицины и науки. Я подразумеваю вклад министерства здравоохранения Калининградской области и Балтийского федерального университета.

В университете есть лидеры

мнений, историческая площадка и живая интеллектуальная среда. В таких местах и должны происходить подобные события. Кроме того, свою роль играет территория региона с умеренными климатогеографическими условиями и населением, которое представляет собой "срез" населения России.

– Какие проекты вас связывают с Балтийским федеральным университетом?

– Это целая группа научных проектов, которые объединены общей темой и идеей, связанной с "когнитивным долголетием".

Как известно, сегодня у людей пожилого возраста широко распространены когнитивные нарушения – снижение памяти, умственной работоспособности и других когнитивных функций. Когнитивные функции снижаются и при здоровом старении, но гораздо быстрее это происходит у пациентов с болезнью Альцгеймера, болезнью Паркинсона и другими заболеваниями.

К сожалению, часть широко распространенных заболеваний, включая COVID-19, провоцируют процессы нейродегенерации, гибель нейронов существенно раньше, чем "естественные" причины, нанося колоссальный социальный вред, изменяя структуру и качество человеческой популяции.

Современная меди-

цина направлена на прогнозирование и раннее выявление нейродегенерации. Это позволит начать лечение до появления тяжелых клинических симптомов или значительно отсрочить их развитие.

В рамках проекта, обозначенного как "когнитивное долголетие", мы с коллегами из БФУ сформулировали гипотезу: нарушение высших психических функций – универсальное проявление синдрома когнитивных расстройств. А он в свою очередь является результатом совокупности функциональных, метаболических и морфологических изменений головного мозга, вызванных различными заболеваниями. Цель нашего проекта – разработка и внедрение технологий скрининговой диагностики и формирование "упреждающей" методологии профилактики и лечения.

Ria.ru.



ЗДОРОВОЕ ПИТАНИЕ

ПОСТОЯННОЕ ЧУВСТВО ГОЛОДА МОЖЕТ ГОВОРИТЬ О БОЛЕЗНЯХ ЖКТ

Врач-диетолог, нутрициолог Евгений Арзамасцев рассказал, что некоторые заболевания могут проявляться в виде постоянного чувства голода. В их числе диабет и проблемы желудочно-кишечного тракта.

При инсулинорезистентности либо развитию сахарного диабета клетки не получают достаточного питания, организм посылает сигнал о голоде, при этом почти всё, что съедает человек, откладывается в виде жиро-

вой ткани. «Если есть какие-то нарушения секреторной функции желудочно-кишечного тракта, человеку тоже хочется есть больше обычного. Как правило, это повышенная кислотность желудка, которая сопровождается

язвой, гастритом», – отметил Арзамасцев. По его словам, ещё одна причина повышенного аппетита может крыться в нарушениях работы щитовидной железы. Ранее психолог, член Профессиональной психотерапевтической лиги и Европейской ассоциации психотерапевтов Андрей Гуляев объяснил, что психологические проблемы могут стать причиной набора веса.



АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

Сепсис – опасная для жизни дисфункция органов, вызванная нерегулируемой реакцией организма человека на инфекцию. Ежегодно с сепсисом сталкиваются до 50 миллионов человек. Более половины пациентов с этим диагнозом нуждаются в лечении в отделениях реанимации и интенсивной терапии. Сепсис становится причиной по меньшей мере 11 миллионов смертей ежегодно — каждые 2,8 секунды в мире происходит летальный исход, связанный с этим состоянием. В разных странах смертность от сепсиса колеблется от 15 до более 50%.



Поскольку сепсис является основным фактором летальности вследствие большинства инфекционных заболеваний, включая COVID-19, лучший способ защиты от него – профилактика заражения инфекциями. В числе ключевых мер – повышение охвата вакцинацией: каждый год она помогает предотвратить 2–3 миллиона случаев смерти, связанных с инфекциями. По данным Центров по контролю и профилактике заболеваний (CDC) США, сепсис или инфекция, вызвавшая его, в 87% случаев развивается до того, как пациент попадает в больницу. Именно поэтому необходимо повышать осведомленность населения о признаках сепсиса и важности немедленного обращения к специалисту. Тревожные симптомы неспецифичны – к ним могут относиться повышение или понижение температуры тела, озноб, изменение психического состояния, затрудненное/учащенное дыхание, учащенное сердцебиение, ослабление пульса/низкое кровяное давление, олигурия, синюшность кожи, ощущение холода в конечностях и сильные боли или дискомфорт в теле. Профилактика развития сепсиса в медицинских учреждени-



ях также предполагает грамотное лечение инфекционных заболеваний с применением антимикробных средств, в том числе мониторинг состояния пациентов для выработки оптимальной стратегии антибиотикотерапии. Повсеместное применение таких препаратов без назначения специалиста или нарушение схем лечения антимикробными средствами – в числе основных причин распространения антимикробной резистентности (АМР). Она, в свою очередь, может приводить к отсутствию клинического ответа на

лечение, быстрому развитию сепсиса и септическому шоку. В частности, грамотрицательные бактерии являются одной из самых серьезных проблем мирового здравоохранения из-за их высокой устойчивости к антибиотикам. Заболевания, вызванные этими микроорганизмами, зачастую несут значительный риск смерти и требуют лечения в отделении реанимации и интенсивной терапии. Одной из самых больших трудностей для медицинских работников является лечение внутрибольничных инфекций нижних дыхатель-

ных путей, вызванных грамотрицательными бактериями, поскольку они не реагируют на антибактериальную терапию. Варианты лечения грамотрицательных инфекций ограничены, а результаты, как прави-

ло, неутешительны. Активное распространение АМР свидетельствует о необходимости наращивать темпы разработки эффективных антимикробных средств. Такие препараты как цефтазидим–авибактам демонстрируют эффективность против ряда резистентных патогенов. А комбинация цефтазидима–авибактама и азтреонама активна в отношении большинства энтеробактерий, устойчивых к этим препаратам по отдельности. Согласно данным исследований, адекватное назначение антибиотиков при резистентных грамотрицательных инфекциях коррелирует с выживаемостью пациентов. Именно поэтому критически важно обеспечение запаса необходимых антимикробных средств, эффективных против резистентных возбудителей, в медицинских организациях, в том числе в отделениях реанимации и интенсивной терапии.

Международное медицинское сообщество призывает к разработке и внедрению мер по раннему распознаванию сепсиса и своевременному назначению адекватной антибактериальной терапии. В сочетании с междисциплинарным подходом к принятию решений эти действия могут значительно улучшить результаты лечения пациентов и спасти миллионы жизней.

НОВОСТИ МЕДИЦИНЫ

ПЛОТОЯДНАЯ БАКТЕРИЯ ЗАХВАТИЛА АМЕРИКАНСКИЕ ВОДОЁМЫ

Центры по контролю и профилактике заболеваний США обеспокоены возросшей частотой заражения бактерией *Vibriovulnificus* – так называемой плотоядной бактерией, из-за повышения температуры воды и природных катаклизмов, вызванными изменениями климата на планете. Специалисты центров выпустили обновленные клинические рекомендации для медиков и привлекают внимание общественности к опасности.

Плотоядная бактерия провоцирует опасную инфекцию, известную как некротизирующий фасциит – ткани вокруг зараженной ранки начинают быстро отмирать, в считанные часы развивается сепсис. Чтобы спасти пациента, часто приходится ампутировать конечности, нос, губы. Антибиотики против этой бактерии неэффективны.


Число инфицированных ви-

русом *V. vulnificus*, ежегодно составлявшее от 150 до 200 зарегистрированных случаев в США, значительно увеличилось в восточной части страны. Большинство людей заражаются, когда бактерии, чувствуящие себя прекрасно в теплой соленой воде, попадают в открытую рану во время купания. Но около 10% случаев заболеваний являются результатом употребления сырых или

недоваренных моллюсков. Около 20% пациентов в США умирают после заражения.

В июле и августе этого года инфекции, вызванные плотоядной бактерией, в штатах Восточного побережья, включая Коннектикут, Нью-Йорк и Северную Каролину, привели к нескольким смертельным случаям. По данным центров по контролю и профилактике заболеваний, люди, подверженные наибольшему риску – например, с хроническими заболеваниями, или ослабленным иммунитетом – должны быть особенно осторожны во время занятий водными видами спорта в прибрежных водах, особенно вблизи Мексиканского залива или Восточного побережья.

Медикам рекомендуется сразу учитывать высокую вероятность заражения *V. vulnificus* как причи-



ну инфекции у пациентов, которые подвергались воздействию прибрежных вод, и должны оперативно назначать антибактериальную терапию и прибегать к раннему хирургическому вмешательству,

чтобы улучшить выживаемость своих пациентов, если существует малейшее подозрение на контакт с плотоядной бактерией.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Юртимиздаги устозларни

**1-октябрь ўқитувчи
ва мураббийлар кунини**

байрами билан
муборакбод этади!
Юртимиз равнақи,
ёркин истиқболи йўлида
фидокорона меҳнат
қилаётган Сиз азизларни
келажакка бўлган
ишонч туйғуларини
асло тарк этмасин!

1-ОКТЯБРЬ
*Ustoz va
murabbiylar kuni*

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Барчамизнинг қалбимизга нур бағишлаб, билим ва тафаккур ёлқинларини ёққан, шарафли касб эгаси бўлган, Сиз азизларни 1 октябрь "Ўқитувчи ва мураббийлар кунини" байрами муносабати билан чин қалбдан самимий табриклаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Ўзбекистон халқини

**1-октябрь ўқитувчи ва
мураббийлар кунини**

билан табриклайди!

Байрам шуқуҳи дилларимизни шод,
қалбларимизни чарогон этаверсин.
Халқимизга хос бўлган меҳру оқибат
ҳеч биримизни тарк этмасин!

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини

**1-ОКТЯБРЬ ЎҚИТУВЧИ
ВА МУРАББИЙЛАР
КУНИ**

билан табриклайди! Она
диёримизда тинчлик, хонадонларда
тотувлик, кўнгишларда
шукроналик ҳамisha бардавом
бўлсин!

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини

**1-ОКТЯБРЬ
ЎҚИТУВЧИ ВА
МУРАББИЙЛАР
КУНИ**

билан самимий табриклайди. Ушбу
байрам кунларида барчангизга
бахт ва омад, хонадонингизга
осойишталик, файзу барака тилаймиз.

Қалби эзуликларга
йўғрилган азиз
устозлар, меҳридарё
мураббийлар!

ТОШКЕНТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини байрами билан бу шарафли номини улуғлаб келаятган барча инсонларни чин қалбимиздан табриклаймиз! Сизнинг юксак масъулиятини, машаққатини ва шарафли меҳнатингизда зафарлар, оилавий ҳаётингизда эса, бахт, омад ёр бўлишини тилаймиз!
Ёшларнинг билим ва малакасини оширишга қўшаётган самарали меҳнатингиз учун ташаккур билдирамиз!